

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛОЕВ УЛУҒБЕК МАХМУДОВИЧ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ
ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар бўйича)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Table of contents of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Алоев Улуғбек Махмудович

Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг
ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш3

Алоев Улуғбек Махмудович

Совершенствование правовых механизмов оценки воздействия
законодательных актов при противодействии коррупции 23

Aloev Ulugbek Maxmudovich

Improving legal mechanisms for assessing the impact of legislative acts in anti-
corruption.....43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛОЕВ УЛУҒБЕК МАХМУДОВИЧ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ
ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар бўйича)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Үи618 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Раҳим Расулович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маликова Гулчехра Рихсиджаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Хусанова Мухтабар Акбаровна
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
кошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.I.Үи.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 5 июлдаги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (+99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2022 йил 22 июнь куни тарқатилди.

(2022 йил 22 июндаги 13-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Л.Х. Исоқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Ф.Х. Раҳимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Transparency International маълумотларида сўнгги ўн йил мобайнида коррупция билан боғлиқ вазият умуман ўзгармаганлиги туфайли 180 мамлакатнинг 2/3 қисми 100 баллик тизимда 50 дан паст балл тўплаганлиги, 131 давлат коррупцияга қарши курашишда сезиларли ютуққа эриша олмаганлиги, 27 мамлакат бутун тарихи даврида ушбу йўналиш бўйича энг паст баллни қўлга киритганлиги, 154 давлатда салбий динамика кузатилаётганлиги ёхуд ҳеч қандай ижобий силжиш бўлмаётганлиги қайд этилган¹.

Жаҳонда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қонунчилик ҳужжатларини амалиётда қўллаш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларини баҳолашнинг илмий-назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандартлар талабларини бажариш билан боғлиқ истиқболларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 84-мақсадида коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон омилини чеклашга бағишланган коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқирилишини таъминлаш каби устувор йўналишларнинг белгиланганлиги² норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини самарадорлиги нуқтаи-назаридан қайта кўришни тақозо этмоқда³. Шу билан бирга, Transparency International халқаро рейтинг ташкилоти томонидан тузиладиган Коррупцияни қабул қилиш индексида (Corruption Perceptions Index) Ўзбекистон 2003 йилда 146 та давлат орасида 114-ўринни эгаллаган бўлса⁴, 2021 йилга келиб 180 дан ортиқ давлат ўртасида 140-ўринга тушиб кетди⁵. Бунда ушбу ташкилот мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга баҳо берар экан, 2012 йилдан буён Ўзбекистон рейтингда 11 бандга юқорилаган бўлса-да,

¹ <https://www.transparency.org/ru/press/2021-corruption-perceptions-index-press-release>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5263-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2021 й., 07/21/5263/0990-сон.

⁴ <https://www.transparency.org/en/cpi/2004>

⁵ <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

фукаролик жамияти вакиллари таъқибга учраётганлигини таъкидлаган⁶. Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда. Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш⁷, қонунларнинг амалиётга қанчалик тўғри татбиқ этилаётганлигини ўрганиш, улардаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 6 июлдаги ПФ–6257-сонли «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ–5263-сонли «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 7 июлдаги ПҚ–5177-сонли «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 12 январдаги ПҚ–81-сонли «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари республикада Б.Исмаилов, Б.Исмоилов, Ф.Мухаммедов, С.Мирзиёева, М.Расулов, С.Султанова, И.Исмаилов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда Ж.Чалковска, П.Жанский, М.Межстрик, Р.Г. Нолл, Б.М. Овен, Ф.Сикс, А.Лоутон ва бошқалар томонидан қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашда коррупцияга оид жиҳатлар тадқиқ этилган.

МДХга аъзо давлатларда коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш билан боғлиқ айрим масалалар Е.В.Охотский,

⁶ <https://www.transparency.org/en/news/cpi-2021-eastern-europe-central-asia-democratic-hopes-growing-authoritarianism>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2018 йилдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5505-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

Д.А.Липинский, А.А.Мусаткина, Т.Я. Хабриева, Ю. А. Тихомиров, В.В. Астанин, В.П.Скобелев, Э.Г.Липатов, Г.А.Василевич ва бошқалар⁸ томонидан ўрганилган.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш қоидалари, хусусан, қонун ижодкорлиги босқичлари, қонун ҳужжатларини экспертизадан ўтказишга оид масалалар асосан «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи», «Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи», «Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи», «Қонун ижодкорлиги жараёни», «Юридик техника» каби дарслик, ўқув қўлланмаларда ёритилган. Бироқ, мавзуга оид умумназарий ва амалий масалалар ҳалигача комплекс тадқиқ этилмагани, тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди ва унинг илмий, амалий жиҳатдан ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш» доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга таъсирини баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш;

айрим хорижий мамлакатлардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга оид қонун нормалари ва амалиётни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, уларнинг ижобий тажрибасини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

«қонун ҳужжатларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш» тушунчасига оид илмий қарашлар ва унинг таркибий элементларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, миллий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омилларни ўрганиш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга таъсирини баҳолаш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, қонун

⁸ Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти қонун ҳужжатлари, шунингдек қонунчилик ҳужжатларидаги коррупцияга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитлар таъсирини баҳолаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети қонун ҳужжатлари, шунингдек қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, қонунчилик амалиёти, статистик ахборотлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказишда илмий билишнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, прокуратура органлари ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик йўналишларини, шу жумладан мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш самарадорлигини таъминлаши асослантилган;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги танлов асосида тегишли давлат ташкилоти томонидан «E-Anticor.uz» электрон платформасига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий-ахборот коммуникация воситаларини (видеоконференцалоқа, онлайн сўровнома ва шу кабилар) қўллаган ҳолда масофавий ўрганиш ҳолати асослантилган;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилиш, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш; фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимидаги даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этиш; давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллашини назарда тутувчи талабни белгилаш; коррупция ҳолатларига доир материалларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этиш лозимлиги асослантилган;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларини вақтинча чеклаш билан боғлиқ бўлган

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудуд комендантининг буйруқлари ва фармойишларининг амал қилиши фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатилиши билан бир вақтда тугатилиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш жараёнига 2014 йилнинг 13-14 ноябрь кунлари Минтақавий коррупцияга қарши ташаббус (RAI) ташкилотининг коррупцияга қарши сиёсат муаммолари бўйича минтақавий конференциясида тасдиқланган Қонун ҳужжатларини самарали баҳолашнинг ўн принципини татбиқ этишга доир таклиф ишлаб чиқилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ўрнига қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш институтини жорий этиш ҳамда мазкур вазифани Адлия вазирлиги зиммасига юклаш таклифи асослантирилган;

қонунлар лойиҳаларининг фақат давлат тилида ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминлаш мақсадида «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддаси 5-қисмидан «Бир вақтнинг ўзида уларнинг бошқа тиллардаги таржимаси тақдим этилиши мумкин» деган жумлани чиқариб ташлаш таклифи ишлаб чиқилган;

қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш институти билан қонун ҳужжатлари ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси институтлари ўрганилиб, унинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, ҳулосалар социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларнинг таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали амалий жиҳатдан асослантирилган, олинган натижалар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар коррупцияга қарши курашишда ва ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган ҳулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, Бош прокуратура Академияси, олий ўқув юртлари ва юридик техникумларда «Коррупцияга қарши кураш», «Қиёсий ҳуқуқшунослик», «Қонун ижодкорлиги жараёни», «Норма ижодкорлиги» ва «Юридик техника» модулларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашда мавжуд муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш амалиётини

такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик йўналишларини, шу жумладан мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисидаги таклиф 2021 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–34-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 6 июндаги 01-14/804-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлигига қонун нормаларидаги коррупцияга олиб келувчи омилларни бартараф этиш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилишини таъминлайди;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги танлов асосида тегишли давлат ташкилоти томонидан «E-Anticor.uz» электрон платформасига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий-ахборот коммуникация воситаларини (видеоконференцалоқа, онлайн сўровнома ва шу кабилар) қўллаган ҳолда масофавий ўрганиши ҳақидаги таклиф 2022 йил 12 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–81-сонли Қарори билан тасдиқланган «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида»ги Низомга қўшимча киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 6 июндаги 01-14/804-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат органлари фаолиятини баҳолашда маълумотларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш имконини беради;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилиш, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш; фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимидаги даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этиш; давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат

буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллаштини назарда тутувчи талабни белгилаш; коррупция ҳолатларига доир материалларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этиш ҳақидаги таклифдан 2021 йил 18 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–729-сонли Қонун билан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун 8¹-моддасига қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2022 йил 15 мартдаги 04/2-09-1144-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлигига амалдаги қонун ҳужжатларидаги нормаларни коррупцияга таъсирини баҳолаш ваколатларининг қонунчиликда мустаҳкамланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларини вақтинча чеклаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудуд комендантининг буйруқлари ва фармойишларининг амал қилиши фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатилиши билан бир вақтда тугатилиши ҳақидаги таклиф 2021 йил 16 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 28 февралдаги 8-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши фавқулодда ҳолат режими шароитида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шу жумладан, 12 та илмий мақола (6 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий

аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида «қонун ҳужжатларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш» тушунчаси ва унинг таркибий элементлари таҳлили, коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг бошқа баҳолаш институтлари билан ўзаро алоқаси, қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолашнинг асосий принциплари билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш бевосита тартибга солиш таъсирини баҳолаш билан боғлиқлиги таъкидланган ҳолда унинг келиб чиқиш тарихи, бугунги кунда хорижий давлатларда мавжуд моделлари ҳамда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашдан фарқли жиҳатлари атрофлича ўрганилган. Коррупциявий хавф-хатарни баҳолаш категориясига хос бўлган коррупция, коррупциявий хавф-хатарлар ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг таркибий элементлари, уларга бўлган алоҳида ёндашувлар таҳлил қилинган.

Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашда айрим олимларнинг (А.В. Кудашкина, И.Н. Дементьева, П.А. Кабанов ва б.) коррупциявий хавф-хатарлар фақат давлат секторидаги муносабатларда юзага келиши ҳақидаги ёндашувлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда «коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш» тушунчасини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш жараёнида унга кенг ва тор маънода ёндашиш мумкинлиги таъкидланган. Бунда кенг маънода ҳуқуқни қўллаш амалиёти, давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда муайян соҳа доирасида коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш жараёни тушунилса, тор маънода айнан муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормалари билан тартибга солинаётган соҳадаги амалиётни таҳлил қилишда коррупцияни вужудга келтириши мумкин бўлган омилларни ўрганиш тушунилиши ўрганилган. Тадқиқот ишида олимларнинг «коррупциявий хавф-хатар» тушунчаси борасида билдирган назарий қарашлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд ёндашувлар таҳлил қилиниб, мазкур атамага коррупцияни, яъни ҳар қандай шаклда фойда олиш, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш имкониятини доимий равишда вужудга келтирувчи ваколатли давлат органлари томонидан бартараф этиш чоралари кўрилмаган ҳар қандай шарт-шароит сифатида муаллифлик таърифи берилди.

Тадқиқот ишида 2003 йил 31-октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 58/4-сонли резолюцияси билан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ «қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш» институтига асос солинганлиги, унинг 5-моддасида ҳар бир аъзо-давлат вақти-вақти билан амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларни, уларда коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш нуқтаи-назаридан баҳолаш ўтказишга интилишлари қатъий мустаҳкамланганлиги асослантирилди.

Шунингдек, мазкур Конвенцияда ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш босқичлари, усуллари ва тартиби билан боғлиқ масалаларни ҳар бир аъзо давлатнинг ўзига ҳавола этиш билан чекланилгани, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги халқаро конвенциялар ёки стандартларнинг бирортасида қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш тартиби батафсил назарда тутилмагани сабабли, тадқиқот ишида «қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш» тушунчаси борасида манбаларда билдирилган қарашлар таҳлил қилиниб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Бунда қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш деганда давлат органлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва улар лойиҳаларида мавжуд бўлган коррупция омиллари ва хатарларини таҳлил қилиш, аниқлаш ҳамда баҳо бериш орқали коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган фаолияти тушунилиши таъкидланди.

Диссертант томонидан ушбу бобда қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш билан коррупцияга қарши экспертиза ўртасидаги қуйидаги асосий ўхшаш жиҳатлари таҳлил қилинган:

биринчидан, қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизада ҳам коррупциявий хавф-хатарлар кўриб чиқилади;

иккинчидан, қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертиза ўтказувчи субъектлар мустақил ҳисобланадилар;

учинчидан, қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизанинг якуни бўйича ҳам хулоса тузилади, унда коррупция омилларини бартараф этишга қаратилган тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади;

тўртинчидан, қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизанинг якуни бўйича тузилган хулосадаги таклифлар тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, уларни инобатга олиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган ёки унинг лойиҳасини ишлаб чиққан орган учун мажбурий ҳисобланмайди.

Диссертацияда қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертиза ўртасидаги бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги асосий жиҳатлари асослаб берилган:

- а) амалга ошириш мақсадининг турлича эканлигида.
- б) субъектлар доирасининг турлича эканлигида.
- в) баҳо бериладиган ҳужжат доирасида.
- г) кенг жамоатчиликнинг иштирок этишида.

Илмий ишда қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолашнинг асосий принциплари муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган ҳолда Минтақавий коррупцияга қарши ташаббус ташкилоти томонидан 2014 йилнинг 13-14 ноябрь кунлари Коррупцияга қарши сиёсат муаммолари

бўйича минтақавий конференция доирасида ишлаб чиқилган Қонун ҳужжатларини самарали баҳолашнинг ўн принципини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига жорий этиш таклифи илгари сурилди.

Диссертациянинг «**Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашга оид миллий қонунчилик ва хорижий давлатлар тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари**» номли иккинчи бобида коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашга оид миллий қонунчиликнинг ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигида баҳолаш ҳуқуқий механизмидаги ўзига хос жиҳатлар тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида миллий қонунчиликдаги «таъсирни баҳолаш» институтининг ривожланиш босқичлари шартли равишда уч босқичга ажратилиб кўрсатилган.

Биринчи босқич, 1991-2008 йилларни ўз ичига олган бўлиб, ушбу босқичда «таъсирни баҳолаш» институти дастлабки ҳуқуқий асосларининг шаклланишида намоён бўлиб, мазкур босқичга хос қуйидаги асосий хусусиятлар қайд этилди:

– ушбу босқичда миллий қонунчиликда илк маротаба «атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш» институти пайдо бўлди;

– «атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш» талаб этиладиган ҳолатларнинг аниқ мезонлари ва асослари қонунчиликда назарда тутилмаган;

– атроф-муҳитга таъсирни баҳоловчи субъектлар, уларга нисбатан қўйилган талаблар, шунингдек баҳолашни амалга ошириш механизми ёки тартиби бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланмаганлиги сабабли қонунчиликда белгиланган мазкур талабга қанчалик риоя этилганлигини аниқлашнинг имкони йўқ.

Иккинчи босқич, 2008-2016 йилларни ўз ичига олиб, у «таъсирни баҳолаш» институтининг турли соҳаларга кириб келиши ва баҳолашни амалга ошириш механизмларининг шаклланиши билан изоҳланиб, мазкур босқичга хос қуйидаги асосий хусусиятлар ажратиб кўрсатилган:

а) ушбу босқичда миллий қонунчиликка «қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» институти жорий этилди ва бу борада дастлабки тажрибалар амалга оширилди;

б) мазкур босқичда тадбиркорлик фаолиятига таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини Интерактив давлат хизматлари ягона порталида (mu.gov.uz) муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилди;

в) илк маротаба қонун лойиҳаси концепциясига тартибга солиш тизимини баҳолаш билан боғлиқ талаблар ҳукумат қарори даражасида белгиланди.

Учинчи босқич, 2017 йилдан бошланиб, у таъсирни баҳолаш институтининг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши ва миллий ҳуқуқий тизимга қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан изоҳланиб, қуйидагилар мазкур босқичнинг асосий жиҳатлари сифатида қайд этилган:

1) ушбу босқичда нодавлат сектордаги субъектларга қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш борасида ваколатлар берилган;

2) мазкур босқичда давлат органлари зиммасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таъсирини баҳолаш бўйича вазифалар юклатилди, ҳукумат даражасида ушбу йўналиш учун масъул бўлган алоҳида бўлим ташкил этилган.

Тадқиқот ишида қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш амалиётини жорий этган хорижий давлатлар (Корея, Латвия, Литва, Болгария, Албания, Сербия ва Сингапур) тажрибаси таҳлил қилинган.

Диссертант мазкур давлатлар қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш тажрибасидаги қуйидаги ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берган:

– ўрганилган аксарият хорижий давлатларда қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш жараёни махсус ваколатли давлат органлари зиммасига юклатилган. Ушбу вазифа Кореяда Коррупцияга қарши курашиш мустақил комиссияси, Литвада Махсус тергов хизмати, Латвияда Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси, Сербияда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилади;

– таҳлил қилинган давлатларнинг кўпчилигида қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш ҳақидаги талаб бевосита қонун даражасида мустаҳкамланган. Хусусан, бундай талаб Кореянинг «Коррупцияга қарши курашиш мустақил комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги, Литванинг «Махсус тергов хизмати тўғрисида»ги, Латвиянинг «Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси тўғрисида»ги, Болгариянинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларида назарда тутилган;

– тадқиқ этилган аксарият давлатларда баҳолаш институти амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларига (Латвия, Болгария) нисбатан қўлланилади. Бироқ, айрим мамлакатларда ушбу жараён маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳужжатлари (Корея, Литва), шунингдек коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат томонидан ратификация қилинган халқаро келишувлар билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари (Сербия) ёки фақат қонун ҳужжатлари (Албания) ҳам баҳоланади;

– тадқиқот давомида кўриб чиқилган айрим давлатларда баҳолаш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилса (Литва, Латвия, Сербия), баъзи мамлакатларда эса, нодавлат ташкилотларга ҳам баҳолаш (Корея) ҳуқуқи берилган;

– таҳлил қилинган айрим мамлакатларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга таъсири мунтазам равишда баҳолаб бориш амалиёти йўлга қўйилган бўлса (Корея, Латвия, Литва, Сербия), баъзи мамлакатларда (Болгария) бундай амалиёт фақат тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян лойиҳалар доирасида амалга оширилади.

Диссертациянинг «Миллий қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили»га бағишланган учинчи бобида

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш омиллари бўйича ёндашувлар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга таъсирини баҳолашга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ва ушбу йўналишдаги ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қонунчилик лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга таъсирини баҳолаш имконини бермайдиган қуйидаги омиллар таҳлил этилган:

– жамиятда фуқаролар учун қонун нормасига риоя этиш баҳосининг ҳаддан ташқари қимматлиги;

– агентлик муносабатларининг етарлича ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишда йўл қўйиладиган камчиликлар;

– давлат органларига ҳаддан ташқари кўп ваколатларнинг берилганлиги;

– фавқулодда вазиятларда фаолият юритувчи ва кенг ваколатларга эга бўлган тузилмаларнинг тузилиши, улар ҳуқуқий мақоми ва ваколатлар доирасининг қонун билан қатъий белгиланмаганлиги;

– қонун нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишда инсон омилининг юқорилиги;

– қонун ҳужжатларида давлат органлари зиммасига бир-бирига зид, бажарилиши натижасида манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазибаларнинг юклатилганлиги;

– қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг давлат органлари мансабдор шахслари томонидан бажарилмаслиги, ушбу ҳолатни самарали назорат қилувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда айрим алоҳида тадбиркорлик субъектларига кўплаб имтиёз ва преференцияларнинг, эксклюзив ҳуқуқларининг берилиши.

Диссертацияда миллий ҳуқуқ ижодкорлигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларинининг коррупцияга таъсирини баҳолашга салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги асосий омиллар ажратиб кўрсатилган:

– мустақилликка эришилган пайтдан то ўтган ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида ҳанузгача қонун лойиҳаларини дастлаб рус тилида тайёрлаш, сўнг давлат тилига таржима қилиш амалиётидан воз кечилмаганлиги;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айниқса қонуности ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жамоат ташкилотлари билан муҳокама қилиш борасидаги талабларга етарлича риоя этилмаслиги;

– келишилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасининг мавҳумлиги ва улар рўйхатининг қонун даражасида аниқ белгилаб берилмаганлиги;

– муайян соҳага тегишли қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда мазкур соҳа бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг ҳуқуқий асосларини яратилмаганлиги;

– тегишли давлат органлари томонидан муайян масалани амалга ошириш механизмини белгиловчи қонунчилик ҳужжати ишлаб чиқишни пайсалга солиши ёки ўз вақтида ишлаб чиқилмаслиги;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг айрим турларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш мезонларининг мавжуд эмаслиги.

ХУЛОСА

«Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш» мавзусини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашга оид хулоса ва тавсиялар:

1. Коррупциявий хавф-хатарнинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

«коррупциявий хавф-хатар – коррупцияни, яъни ҳар қандай шаклда фойда олиш, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш имкониятини доимий равишда вужудга келтирувчи ваколатли давлат органлари томонидан бартараф этиш чоралари кўрилмаган ҳар қандай шарт-шароит».

2. Қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолашнинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

«Қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш – давлат органлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва улар лойиҳаларида мавжуд бўлган коррупция омиллари ва хатарларини таҳлил қилиш, аниқлаш ҳамда баҳо бериш орқали коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган фаолиятидир».

3. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш мақсадида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг қуйидаги асосий шартларга риоя этилиши зарурлиги асослантирилди:

– қонун ҳужжатларидаги коррупциявий хавф-хатарлар мунтазам равишда баҳолаб борилиши;

– коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда комплекс ёндошувнинг йўлга қўйилиши;

– баҳолаш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш ундан манфаатдор бўлмаган субъектлар томонидан амалга оширилиши;

– баҳолаш жараёнининг барча босқичи жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ташкилотлар вакиллари, фаол фуқаролар иштирокида ўтказилиши;

– баҳолаш жараёни ва унинг натижалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ва жамоатчилик танишиб чиқиши учун очик бўлишининг таъминланиши;

– баҳолаш натижаларининг мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши.

4. Қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш институти билан қонун ҳужжатлари ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси институтлари таҳлил этилиб, ушбу институтларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари очиб берилди.

5. Қонун ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш институти хорижий давлатларда жорий этилганлик даражаси ўрганилиб, аксарият мамлакатлар қонунчилигида баҳолаш талаби белгиланмаганлигининг қуйидаги асосий омиллари кўрсатиб берилди:

– коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларда қонунчилик ҳужжатлари ҳамда улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш механизмининг ёритилмаганлиги;

– БМТ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар томонидан хорижий мамлакатларга қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларини баҳолаш борасида етарлича услубий ёрдам кўрсатилмаётганлиги;

– ҳар бир давлат миллий қонунчилик тизими ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилиши ва улардаги қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини ягона универсал усул билан баҳолаш имкони йўқлиги;

– қонун ҳужжатларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш институти кўплаб ресурс ва вақт талаб қиладиган мураккаб жараён бўлиб, босқичма-босқич амалга оширишни тақозо этиши;

– айрим ривожланган мамлакатларда очиқлик ва жамоатчилик назорати таъсирининг кучли эканлиги, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги, аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда маданиятининг юқорилиги сабабли алоҳида баҳолаш ўтказиш зарурати мавжуд эмаслиги;

– баҳолаш жараёнида иштирок этувчи мутахассисларга нисбатан қўйиладиган юқори даражадаги ҳам назарий билимлар, ҳам амалий малака эга бўлган профессионал кадрларнинг етишмаслиги;

– ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган коррупция омиллари ва хатарлари ҳақида жамоатчиликнинг хабардор эмаслиги.

6. Хорижий мамлакатлар (Корея, Латвия, Литва, Албания, Сербия ва Болгария)нинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолашга оид қонунчилик тажрибасини ўрганиш натижасида уларга хос бўлган қуйидаги асосий жиҳатлар ажратиб кўрсатилди:

– қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш жараёни махсус ваколатли давлат органлари зиммасига юклатилиб, ушбу функция Кореяда Коррупцияга қарши курашиш мустақил комиссияси, Литвада Махсус тергов хизмати, Латвияда Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси, Сербияда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилади;

– қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсирини баҳолаш талаби бевосита қонун даражасида мустаҳкамланиб, Кореянинг «Коррупцияга қарши курашиш мустақил комиссиясини ташкил этиш

